

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«ИПАК ЙЎЛИ» ТУРИЗМ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ХАЛҚАРО
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЭШМУРОДОВА ЗАРИФА РАХМОНБЕРДИЕВНА

**ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ДОСТОНЛАРИДА ЭТНОМАДАНИЯТГА ХОС
ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ
(«Chanson de Roland» ва «Алпомиш» достонлари материали асосида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Эшмуродова Зарифа Рахмонбердиевна

Француз ва ўзбек достонларида этномаданиятга хос лексемаларнинг
киёсий тадқиқи («Chanson de Roland» ва «Алпомиш» достонлари материали
асосида)..... 3

Эшмуродова Зарифа Рахмонбердиевна

Сравнительное изучение этнокультурных лексем во французском и
узбекском эпосах (на материале эпоса «Chanson de Roland» и «Алпомиш»). 25

Eshmurodova Zarifa Rakhmonberdiyevna

Comparative study of ethnocultural lexemes in French and in Uzbek epos
(on the material of «Chanson de Roland» and «Alpomish»)..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«ИПАК ЙЎЛИ» ТУРИЗМ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ХАЛҚАРО
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЭШМУРОДОВА ЗАРИФА РАХМОНБЕРДИЕВНА

**ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ДОСТОНЛАРИДА ЭТНОМАДАНИЯТГА ХОС
ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ
(«Chanson de Roland» ва «Алпомиш» достонлари материали асосида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Fil618 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация «Ипак йўли» туризм ва маданий мерос халқаро университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг www.samdchti.uz ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Уринбаева Дилбар Базаровна
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: Жўраева Малоҳат Муҳаммадовна
филология фанлари доктори, профессор
Кўчқорова Садоқат Тошпўлатовна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 30 сентябрь соат 12:00 да мажлислар залида бўлиб ўтди (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел.: (8366) 223-78-43; факс:(8366) 210-00-18; e-mail: info@samdchti.uz

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (61244 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел.: (8366) 223-78-43.

Диссертация автореферати 2022-йил "20" сентябрь куни тарқатилди.
(2022 "20" сентябрь даги 58 рақамли реестр баённомаси).



И.М.Тухтасинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

Ғ.Қ.Мирсанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари доктори, доцент

Ш.С.Сафаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон цивилизациясида қадриятлар умумбашарий, умуминсоний, умуммиллий, минтақавий, этник, шахсий кўринишларда намоён бўлиб келмоқда. Шулардан инсониятнинг борлиқ билан муносабатидаги энг муҳим ва умумий томонларини ифодаладиган қадриятлар умумбашарий бўлиб, миллий қадриятлар маълум бир миллатнинг мавжудлик ва ривожланиш тамойиллари учун таянч бўлиб хизмат қилиб келмоқда, айрим кичик миллатларнинг катта миллатлар таркибида ўзига хос маънавий-ахлоқий томонлари ва удумлари ҳам мавжуд бўладики, улар кўпроқ этник қадриятлар сифатида баҳоланиб келмоқда. Этномаданий қадриятлар ўзликни сақлаб қолиш, ҳимоя қилиш, этник ва миллий конвергенциялар хавфидан омон қолишга ва этник мустақил ҳолатда ривожланишга, этник онг ва дунёқарашнинг тобеликдан холи бўлишига хизмат қилмоқда. Бугунги замон шиддат билан ривожланиши баробарида ўзликни англаш ва унинг миллат мавжудлигини дунёга намоён қилиши ҳар қандай миллий ёки этник онгнинг замирига бориб тақалиши тобора ойдинлашмоқда.

Дунё халқлари этник шаклланишида фольклор инсон тафаккурининг ўзгаришига, руҳий-маънавий оламининг юксалишига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан бири бўлиб, халқлар тафаккурида сақланиб қолган дунёнинг ўзига хос манзарасини акс эттирувчи бу соҳа тилнинг фонетик, лексик қурилиши, сўз ва ибораларнинг семантик қирралари, этнографик хусусиятлари ўз ифодасини топиши нуқтаи назаридан ҳамда дунё этнографиясининг тараққиёт қонунларини тўғри таҳлил қилиш учун фольклор асарлари тилини ўрганиш бугунги тилшунослик ва адабиётшуносликнинг долзарб масалаларидан бўлиб қолмоқда. Шундай экан, фольклор асарларининг тилшуносликда тутган ўрни, аҳамияти, асарларнинг моҳияти, мазмунини, ўзига хослигини очиш, фольклор тили, диалектлар, жонли сўзлашув тили ва ёзма адабиёт тилининг ўзаро муносабатлари тадқиқи, фольклор тилини қиёсий, типологик таҳлил этиш зарурати кун тартибидан ўрин олмоқда.

Ўзбек тилшунослигида антропоцентрик ва лингвокультурологик муаммолар доирасида қатор тадқиқотлар амалга оширилган, мустақиллик йилларида матнлар таҳлиliga бағишланган изланишларга эътибор кучаймоқда. Шу билан бир қаторда, асрлар давомида комил инсон тарбияси, адолатли жамият, шахс эркинлиги, Ватан озодлиги, бунёдкорлик, бағрикенглик ва байналмилалчилик, одамийлик каби ўлмас фазилатларни тараннум этиб келаётган мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг энг сара намуналарини хорижий тилларга ўгириш ва чет элларда тарғиб этиш бўйича ҳам мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилмоқда. “Ўзбек тилининг тарихи кўп асрлик кечмиши, унинг орзу-интилишлари, дарду армонлари, зафарлари ва ғалабалари билан чамбарчас боғлиқдир. Аждодларимиз, ота-боболаримиз айнан она тилимиз орқали жаҳонга ўз сўзини айтиб келган. Шу тилда буюк маданият намуналарини, улкан илмий кашфиётлар, бадий

дурдоналар яратганлар”¹. Шундай экан, мазкур бадий хазиналарда мужассам бўлган маънавий дурдоналарни илмий асосда тадқиқ этиш ўзбек халқининг маънавий ва эстетик қарашларини, фольклор матнларнинг лисоний хусусиятларини аниқлашда долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони, 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон «Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон «Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Кейинги йилларда жаҳонда этномаданий лексемаларни илмий нуқтаи назардан ўрганиш бўйича қатор махсус тадқиқотлар амалга оширилган. Жаҳон ва рус тилшунослигида мавзуга оид салмоқли ишлар амалга оширилган. Жумладан, хорижий олимлардан Эмиль Дюркгейм, Марсель Мосс, Ҳербер Норрис, Флорент Вениэл, Томас Миллер, рус олимларидан Т.Шепанская, Н.Шалоткина, С.Голубев² соҳага ўзининг ҳиссаларини кўшганлар.

Француз тилшунослигида «Роланд ҳақида кўшиқ» достони француз тилшунослари Жозеф Бедье, Кристофор Лаккен, Матью Дижу, Франсис

¹Президент Ш.М.Мирзиёевнинг ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // “Халқ сўзи”, 2019 йил, 22 октябрь.

²Токарев С.А. Хорижий этнография тарихи. - М., 1978. - 352с.; Мосс М. Общества. Обмен. Личность. - М., 2011. - 416 с.; Herbert Norris. Medieval Costume and Fashion. - Mineola, 1999. - 485 p.; Florent Veniel. Les Hommes du Moyen Âge Paysans, Bourgeois et Seigneurs. - Histoire Vivante. - Paris: Éditions Errance, 2008. - 92 p.; A Dissertation Submitted to the Graduate Faculty of the Louisiana State University and Agricultural and Mechanical College in partial fulfillment of the requirements for the degree of Doctor of Philosophy In The Department of French and Italian by Thomas Lee Miller B.A., University of New Orleans, 1979 M.A., Louisiana State University, 1993 May, 2000.; Щепанская Т.Б. Сравнительная этнография профессий: повседневные практики и культурные коды (Россия, конец XX – начало XXI в.). - СПб.: Наука, 2010. - 338 с.; Шалоткина Надежда Алексеевна. Французская культурная антропология XX века: тенденции и перспективы: Диссертация ... кандидата культурологии: - Москва, 2007. - 217 с.; Голубев С.Н. Особенности языка старофранцузского эпоса и их жанровая обусловленность: Автореф.дис... канд.филол.наук. - Москва, 1982. - 35 с.; Голубев С.Н. Особенности языка старофранцузского эпоса и их жанровая обусловленность: Автореф.дис... канд.филол.наук. - Москва, 1982. - 35 с.

Мишель, Фердинанд Брунтьер³ ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганилган.

Дунё тилшунослигида халқ дostonлари тилининг хусусиятлари, уларнинг лисоний, типологик ва бадий эстетик хусусиятлари кенг кўламда ўрганилаётганлиги илмий жамоатчиликка маълум. Ўзбек тилшунослигида халқ дostonлари тилидаги лексемалар борасида Т.Мирзаев, А.Ишаев, Ш.Шоабдурахмонов, С.Турсунов, З.Холмонова, Ж.Холмуротова, А.Раҳимов, Ш.Маҳмадиев, Н.Махмудов, Х.Рўзимбоев, С.Сариев, С.Йулдошева, У.Жуманазаров, Г.Жуманазаровалар илмий тадқиқотларида қиёсий-тарихий ҳамда систем-структур йўналишда эса Д.Уринбаева, Қ.Оллоёров, И.Умаров, Н.Хаджимусаева, А.Эшмуратов ва бошқаларнинг диссертацияларида тадқиқ этилган⁴.

К.Мустаев, С.Исмаев каби тилшунослар француз эпосининг тил хусусиятларини ўрганганлар. М.Жўраева француз ва ўзбек эртақларида модаллик категориясини, О.Холмуротова инглиз ва ўзбек эртақларининг қиёсий-типологик жиҳатларини, С.Кўчқорова ўзбек ва француз эртақларида маданий рамзларнинг коммуникатив–прагматик ролини тадқиқ қилганлар⁵.

³ Joseph Bédier. La Chanson de Roland. – France, 2004.–143 p.; Christopher Lucken. Actualité de la Chanson de Roland. Une “chanson populaire” au programme d’agrégation. – France, 2014. P. 93-106.; Mathieu Dijoux. Le chant de la violence collective: l’imaginaire persécuteur dans les versions françaises de la “Chanson de Roland”. Université Grenoble Alpes. – France, 2015. – 163 p.; Francisque Michel. La Chanson de Roland. – France, 1837. – 142 p.; Ferdinand Brunetière. Évolution des Genres dans l’Histoire de la Littérature, 2 vols. – France, 1890. – 135 p.

⁴ Шаабдурахманов Ш. О художественных средствах языка поэмы – Равшан. Автореф. дис...канд. филол. наук. – Тошкент, 1949. – 19 б.; Турсунов С. Лексические особенности дастана – Алпамыш. Автореф. дис...канд. филол. наук. – Ташкент, 1990. – 19 б.; Холманова З. Шайбонийхон достони лексикаси (Пўлкан шоир варианты асосида). Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 1998. – 25 б.; Холмуротова Ж. Шимолий Хоразм дostonлари лексикасининг функционал-услубий хусусиятлари. Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2000. – 160 б.; Ишаев А. Дostonлар тилининг баъзи бир хусусиятлари // Эргаш шоир ва унинг дostonчиликда ўрни. – Т.: 1971. – Б. 173-179.; Рўзимбоев Х.С. Жанубий Хоразм дostonлари тилининг луғавий-маъновий таҳлили (Шаҳриёр ва Маликаи Завриё дostonлари мисолида) Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 2000. – 25 б.; Сариев С.М. Хоразм – Гўрўгли дostonларининг қўлёзма вариантлари. Филол. фан. номз. ...дисс., Тошкент, 2007; Раҳимов А.С. Ўзбек халқ дostonлари лексикасининг қиёсий-тарихий таҳлили (Эргаш Жуманбулбул ўғли ижоди мисолида). Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Самарқанд, 2002. – 25 б.; Маҳмадиев Ш. Ўзбек халқ дostonлари тилида стилистик формулалар. Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 46 б.; Халиков А.А. Гўрўглининг туғилиши дostonи тилининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 2009; Жуманазарова Г. Ширин билан шакар дostonининг луғавий ва лингвопоэтик хусусиятлари (Фозил Йўлдош ўғли варианты асосида): Филол. фан. номз. ...дис. автореф., –Тошкент, 2008. – 26 б.; Шу муаллиф. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил). Филол. фанлари д-ри дис. Тошкент, 2017. – 268 б.; Ўринбаева Д.Б. Халқ оғзаки ижоди: жанрий-лисоний ва лингвостатистик тадқиқ муаммолари: филол. фан. д-ри (DSc) дисс. автореф. – Самарқанд, 2019; Оллоёров Қ.М. Хоразм дostonлари ономастикаси (Гўрўгли ва Ошикнома туркум дostonлари асосида). Филол. фан. фалсафа д-ри... (PhD) дисс. Автореф. – Самарқанд, 2018. – 46 б.; Умаров И. Малика айёр дostonи лексикаси филол. фан. фалсафа д-ри... (PhD) дисс. Автореф. – Фарғона, 2020. – 46 б. ва бошқалар.

⁵ Мустаев К.Т. Поэтика цвета и числовых знаков-символов в «Песне о Ролланде» и «Алпамыше»: Автореф. дисс...канд. филол. наук. – Самарқанд: 1994. - 24 с.; Исмаев С.С. Француз халқ эпослари матнининг лингвопоэтик тадқиқи («Роланд ҳақида қўшиқ» дostonи мисолида): Филол. фан. номз. диссер. автореферати. – Тошкент, 2010. – 32 б.; Жўраева М. Француз ва ўзбек эртақларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятлари. – Т.: “Фан”, 2016. – 200 б.; Холмуротова О. Ўзбек ва инглиз кумулятив эртақларининг қиёсий-типологик тадқиқи: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори автореферати. – Тошкент, 2020. – 63 б.; Кўчқорова С. Ўзбек ва француз эртақларида маданий рамзларнинг коммуникатив прагматик роли: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори автореферати. – Самарқанд, 2022. – 61 б.

Ўзбекистонлик тадқиқотчиларнинг француз шевалари лексикаси ҳамда ўзбек-француз иккитиллигининг лексик сатҳда намоён бўлиши масалаларига бағишланган диссертацияларида ҳам ушбу мавзуга муносабат билдирилган⁶.

Ўзбек тилшунослигида этнографик лексика ва ҳудудий ўзига хослиги масаласи анча чуқур ўрганилган. Бунга мисол қилиб Н.Мирзаев, А.Жўрабоев, З.Хусаинова, Й.Бобожонов, М.Қаҳҳорова, Х.Бердиевларнинг тадқиқотларини кўрсатиш мумкин⁷.

Шунга қарамай, ҳозиргача француз ва ўзбек тили лексикасини қиёсий, хусусан, этномаданиятга хос лексика махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилган эмас.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация «Ипак йўли» туризм ва маданий мерос халқаро университети илмий тадқиқот ишлари режасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган «Тил, адабиёт, таржима ва маданий мероснинг халқаро коммуникатив даражасини ошириш тадқиқи» мавзусидаги илмий йўналиш доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади француз ва ўзбек фольклор асарлари этнографиясини тадқиқ этиш орқали этномаданий лексемаларнинг матнларда қўлланиши, услубий имкониятларидаги ўзига хосликларни очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

француз ва ўзбек этномаданий лексемаларининг умумий лексик тизимдаги ўрнини диахрон аспектда тадқиқ қилиш;

этномаданий лексемалар фольклор лексик тизимининг узвий бўлаги эканлигини очиб бериш;

француз ва ўзбек этномаданий лексемаларининг семантик таркиби ҳамда уларни воқелантирувчи лисоний бирликларни аниқлаб, тизимлаштириш;

этномаданий лексемаларни мазмуний тузилиши ва миллий-ҳудудий хусусиятларига кўра таснифлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида француз халқ фольклор намунаси «Роланд ҳақида қўшиқ» достони ва ўзбек халқ фольклор намунаси «Алпомиш» достони матнлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини француз ва ўзбек қаҳрамонлик дostonлари луғат таркибининг этнографик қатлами, ушбу категория рамзий

⁶Зокиров М. Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-француз билингвизмида намоён бўлиши. Автореф. дисс... канд. филол. наук. –Тошкент, 2007. – 25 б.; Жўраев Ш. И. Билингвизм шароитида француз ва ўзбек тилларининг лексик сатҳдаги ўзаро алоқалари (Самарқанд вилояти материаллари асосида): филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Самарқанд, 2018. – 47 б.

⁷Мирзаев Н. Ўзбек тилининг этнографик лексикаси (Қашқадарё ўзбек шевалари материали асосида): Филол.фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1971. – 25 б.; Жўрабоев А. Ўзбек тилида тўй маросимлари номлари: Филол.фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент, 1971. – 184 б.; Хусаинова З. Ономасиологическое исследование названий свадебных обрядов в узбекском языке (на материале Бухарских говоров): Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – Ташкент, 1984. – 20 б.; Бобожонов Й. Жанубий Хоразм этнографик лексикаси: Филол. фан. номз.дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 25 б.; Қаҳҳорова М. Ўзбек этнографизмларининг системавий тадқиқи: Филол.фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 24 б.; Бердиев Х. Ўзбек тилининг ўтовсозлик лексикаси: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Самарқанд, 2017. – 47 б.

вокеланишининг лингвомаданий белгилари ва уларнинг ҳозирги адабий тиллардан фарқ қилувчи хусусиятларини аниқлаш ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тавсифий, чоғиштирма, семантик тавсиф каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

француз ва ўзбек халқлари урф-одат, маънавий қадриятларининг жангда миниладиган отга ном қўйиш, қурол-яроқни номлаш каби ўзига хос хусусиятлари ҳамда илоҳий кучларга ишониш, тўй ва аза удумлари сингари ўхшаш жиҳатлари очиб берилган;

француз ва ўзбек тилининг этномаданий лексикаси таркибидаги фитонимлар, зоонимлар, ойконимлар ва топонимларнинг тузилиши маҳаллий аҳолининг миллий-маданий турмуш тарзи, урф-одатлари ҳамда анъаналарига мос равишда таркиб топганлиги далилланган;

моддий ва маънавий маданиятга оид этномаданий лексемаларнинг кийим-кечак, мусиқа асбоблари, ҳайвон ва ўсимлик номланиши каби этнолингвистик, жанговор отлар номлари, қурол-аслаҳа номлари каби этимологик, маиший урф-одатлар, ўлпон бериш, солиқ солиш номлари таҳлилидаги лексик-семантик хусусиятлар очиб берилган;

қиёсланган дostonлар матнида учрайдиган этномаданий лексиканинг нутқий истеъмолдаги хўжалик, ўсимлик, ҳайвон, қуш номларига оид луғавий ва ижтимоий тартибини ифодаловчи лексемаларга хос семантик хусусиятлар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

француз ва ўзбек фольклор асарлари тилида этномаданий лексемалар ва уларга алоқадор бўлган 100 дан ортиқ сўзларнинг матнлардаги лексик-семантик ва семантик-услубий хусусиятлари аниқланган;

француз ва ўзбек фольклор асарлари матнидаги этномаданий лексемалар тадқиқи асосида тўпланган материаллар, этнографизмларга оид муаммоларни ёритиш, тил тарихи, лексикология, лингвокультурология фанларини ўқитишда амалий жиҳатдан ёрдам бериши асосланган;

француз ва ўзбек фольклор асарлари тилида этномаданий лексемалар тадқиқи натижалари адабиётшунослик, этнография фанлари учун изоҳли, имло луғатлари яратилишида манба сифатида хизмат қилиши кўрсатиб ўтилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланган ёндашув ва усулларнинг замонавий назарияларга мослиги ҳамда методологик жиҳатдан асосланганлиги, тадқиқ материалининг ишончли манбалардан олинганлиги, муаммонинг аниқ шакллантирилганлиги, хулосаларнинг қатъийлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижалар татбиғининг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти француз ва ўзбек этномаданияти, этнолингвистикаси, лингвопоэтика, лингвокультурология, когнитив лингвистика соҳаларини назарий жиҳатдан бойитиши, француз ва ўзбек тилшунослигида фольклор матнларнинг миллий-эстетик хусусиятларини тадқиқ этиш учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, жумладан,

фольклор матнида этномаданий лексемаларнинг воқеланишига оид билимларни бойитиш ва тўлдиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, олинган натижалардан антропоцентрик лингвистика, концептология, когнитив лингвистика, лингвопоэтика, лингвокультурология, этнолингвистика, қиёсий тилшунослик каби соҳалар учун яратиладиган монография, дарслик ва ўқув қўлланмаларини илмий жиҳатдан мукамаллаштиришда, махсус терминологик луғатларни тузишда, фольклор услуги билан боғлиқ маърузалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин эканлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Француз ва ўзбек дostonларида этномаданиятга хос лексемаларнинг қиёсий тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

француз ва ўзбек халқлари урф-одат, маънавий қадриятларининг жангда миқоладиган отга ном қўйиш, қурол-яроқни номлаш каби ўзига хос хусусиятлари ҳамда илоҳий кучларга ишониш, тўй ва аза удумлари сингари ўхшаш жиҳатлари очиб берилиши ҳақидаги илмий-назарий қарашлардан ЎзРФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти томонидан 2017-2020 йилларда бажарилган ФА-Ф1-005 «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослигини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (ЎзРФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 23 декабрдаги № 17.01/235 маълумотномаси). Натижада, фундаментал лойиҳа доирасида тайёрланган ўзбек урф-одатларнинг қиёсий, умумий-лексик тизимдаги ўрнини белгилаш ва унинг соҳа лексикасига мансублигини кўрсатишга доир илмий мақолалар ҳамда матн ва тилшунослик ҳақидаги олиб борилган тадқиқотларнинг илмий савиясини оширишга эришилган;

француз ва ўзбек тилининг этномаданий лексикаси таркибидаги фитонимлар, зоонимлар, ойконимлар ва топонимларнинг тузилиши маҳаллий аҳолининг миллий-маданий турмуш тарзи, урф-одатлари ва анъаналарига мос равишда таркиб топганлиги ҳақидаги илмий-назарий хулосаларидан Самарқанд давлат чет тиллар институтида Европа иттифоқининг Erasmus+ дастури 58545-EPP-1-2017-1-ES-EPPKA2-CBHE-JP CLASS: «Computational linguistics at Central Asian universities» инновацион лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2022 йил 20 апрелдаги № 967/ 30.02.01 маълумотномаси). Натижада, лойиҳа доирасида шакллантирилган электрон платформада ўзбек халқ дostonларининг этнографик луғатини тузишда ва ўзбек луғатшунослиги тизимида компьютер ёрдамида тузилган луғатларнинг ўрни ва афзалликлари амалда исботлаб бериш ҳамда унинг соҳа лексикасига мансублигини ёритишга хизмат қилишига эришилган;

моддий ва маънавий маданиятга оид этномаданий лексемаларнинг кийим-кечак, мусиқа асбоблари, ҳайвон ва ўсимликлар номланиши каби этнолингвистик, жанговор отлар номлари, қурол-аслаҳаларнинг ифодаланиши сингари этимологик, маиший урф-одатлар, ўлпон бериш, солиқ солиш номлари таҳлилидаги лексик-семантик хусусиятлар очиб

берилганлиги ҳақидаги хулосалардан Қозоғистон Республикаси Абай номидаги қозоқ миллий педагогика университети талаба ва магистрантларига Франция тарихи, маданияти, халқ оғзаки ижоди, қадимий урф-одат ва анъаналарини ўқитишда, маданиятлараро мулоқот, этнографизмлар ҳақидаги модулларни тузишда фойдаланилган (Қозоғистон Республикаси Абай номидаги қозоқ миллий педагогика университетининг 2021 йил 15 декабрдаги № 10-07-28/07 маълумотномаси). Натижада, этномаданий лексеманинг фольклор асарлари лексик тизимнинг узвий бўлаги эканлигини акс эттиришга доир ўқув курслар ташкил қилиниш савияси оширилишига эришилган;

қийсанган дostonлар матнида учрайдиган этномаданий лексиканинг нутқий истеъмолдаги хўжалик, ўсимлик, ҳайвон, қуш номларига оид луғавий ва ижтимоий тартибини ифодаловчи лексемаларга хос семантик хусусиятлар аниқланганлиги ҳақидаги хулосалардан Франция Шарқ тиллари ва ривожланиши миллий институти (INALCO) талаба ва магистрлари учун «Марказий Осиё тарихи», «Ўрта Осиё маданияти ва фольклори», «Шарқ этнографияси», «Маданиятлараро мулоқот» модулларини шакллантиришда фойдаланилган (Франция Шарқ тиллари ва ривожланиши миллий институтининг 2022 йил 23 мартдаги маълумотномаси). Натижада, француз ва ўзбек урф-одатларининг семантик таркибини аниқлаш ҳамда уларни воқелантирувчи лисоний бирликларни тизимлаштириш бўйича маълумотлар ишлаб чиқилишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари илмий-амалий анжуман ва семинарларда, жумладан, 5 та халқаро, 8 та республика илмий-амалий анжуманларида илмий жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси юзасидан 21 та илмий мақола ва тезис чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 164 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

«Кириш» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Француз ва ўзбек этномаданий лексемаларининг ўрганилиш тарихи» деб номланади. Унинг биринчи қисмида *этномаданий лексемалар – тил ва маданиятни ифодаловчи бирлик* эканлиги атрофлича ёритилган. Этносларнинг маънавий маданияти санъатшунослик, мусиқашунослик, диншунослик, фольклор, адабиёт ва тилшунослик билан ҳамкорликда ўрганилади. Этнографияга оид билимлар қадим замонлардан пайдо бўлган бўлса-да, лекин мустақил фан сифатида XIX асрнинг ўрталарида шаклланиб бўлди. Дастлаб, бу атамани XVI асрнинг охирида немис ёзувчиси И.Зуммер ишлатган, кейин эса XVIII асрнинг охирида ва 1808 йилда махсус журналлар шу ном билан чиқа бошлаган. Этнография сўзи машҳур француз табиатшуноси ва физиги Жан Жак Ампер таклифи билан Париж антропологлари конгрессида алоҳида фан сифатида қабул қилинган (1839). *Этномаданият* атамаси икки иборадан ташкил топган бўлиб: этно ва маданият сўзлари қўшилмасидир. «Этнос» сўзи илк бор қадимги грек тилидаги манбаларда учрайди. Этно – юнонча элат, халқ демакдир ва шу билан бирга, маълум бир элат ёки халққа бўлган ишора.

Этносларнинг миллий маънавий маданиятини ўзак қисмига хос биринчи белги тилдир. Жумладан, маълум бир халқнинг ташкил топишида тил бирлиги бош роль ўйнаган бўлса, иккинчи бир элатнинг шаклланиш жараёнида хўжалик, учинчисида эса моддий маданият етакчи белги бўлган. Тил миллат белгиси сифатида узоқ тарихий ривожланиш жараёнида шаклланади ва мудом маълум бир этносга хос белги сифатида мавжуд бўлиб келган, ҳамда тарихий-маданий ҳодиса сифатида ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган ўзгаришларни ўзида акс эттиради. Ҳозирги миллий тилларнинг луғавий таркибида жуда қадимий даврларга хос бўлган бир қатор лексик қатламлар сақланиб келмоқда. Шулардан бири этномаданий лексемалардир. Этномаданий лексемалар муайян ҳудудда яшаган ёки ҳозирда ҳам яшаб турган қабила, уруғ, халқ, миллат ва уларнинг турли шахобчаларининг махсус номларидир. Ушбу лексик қатламга халқ оғзаки ижоди, амалий санъати, байрамлари, турмуш тарзи, мулоқот маданияти, эстетик маданияти, халқ таълим-тарбияси, илмий-маърифий изланишлари, диний қадриятлари, миллат тарихи ва анъаналари, рўзғор буюмлари, кийим-кечак, тақинчоқ ва бошқалар киради⁸. Шу нуқтаи назардан, мазкур тадқиқотда француз ва ўзбек фольклор асарларида этномаданий лексемаларни ўрганишга ҳаракат қилдик.

Мазкур бобнинг иккинчи қисмида *француз тилида этномаданий лексемаларнинг ўрганилиши* хусусида адабиётлар таҳлил этилган. Ўрта аср француз тарихи, этнографияси, эпик анъаналарига оид маълумотлар испан, герман, гот каби Европада яшовчи халқлар анъаналари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганилган⁹. Шундан келиб чиқиб, француз этномаданий лексемаларини қуйидаги даврларга бўлиб ўрганишга ҳаракат қилдик:

1. Қадимги ва ўрта асрлар ёзма манбалари ҳамда XX аср бошларигача бўлган даврдаги тадқиқотлар. Миллоддан аввалги XII-VIII

⁸ Каришжанова Г.Т., Абиқенова Г.Т., Кожамметова Б.Р. Этнографизмы в национальном миропонимании // sciencetph.ru/d/ 413259/d/.

⁹ Ершова И.В. Сказание о Сиде в испанском эпосе и историографии средних веков. Структура и эволюция эпического сюжета: Дисс. ... докт.филол.наук. – Москва, 2018. – 393 с.

асрларга оид маълумотларга кўра, Эски Аҳд яхудий ва арамей тилларида ёзилган муқаддас китоб саналиб, биринчи этнографик назария ўрганилган. Ушбу китобда бутун инсониятнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши концепцияси, энг муҳим этнографик афсоналар, шунингдек, ота-боболар, Нух, Иброҳим, унинг авлодлари насабноналари ҳақидаги маълумотларнинг катта тўплами ва турли миллатларнинг ахлоқий меъёрлари, маросимлари, афсоналари келтирилган¹⁰.

Машҳур француз мутафаккири Жан Боден ўз асарларида табиат ва инсоният жамиятининг ривожланиш қонуниятларини ажратиб кўрсатган¹¹. Бошқа бир машҳур француз олими Мишель Монтень 1580 йилда ёзган «Тажрибалар» рисоласида инсоният жамиятидаги урф-одатларнинг хилма-хиллиги тўғрисида гапириб, ёввойилар европаликларга ваҳший кўринишидан кўра европаликлар ёввойиларга ваҳший туюлишини таъкидлади. Шундай қилиб, моҳиятан маданий релятивизм ғояси шакллантирилди¹². XIX аср ўрталарига келиб бир қатор мамлакатларда этнология ва этнография илмий жамиятларининг пайдо бўлиши, унинг тўлақонли фанга айланишига сабаб бўлди.

2. XX асрда олиб борилган илмий тадқиқотлар ва турли нашрларда этномаданий лексемалар муаммосининг ёритилиши. Хронологик жиҳатдан биринчи бундай жамият 1839 йилда ташкил этилган «Париж этнология Жамияти» эди. 1842 йилда «Америка этнологик жамияти», бир йилдан сўнг эса «Англияда этнологик жамият» пайдо бўлди. Ижтимоий назария ривожланишининг янги босқичи XX асрнинг биринчи ярмида этнологиянинг ривожланишини белгилаб берган француз социологик мактабининг ғоялари эди. Ушбу йўналишнинг асосчиси машҳур француз олими Эмиль Дюркгейм ҳисобланади. Эмиль Дюркгейм (1858–1917) назариясининг марказий ғояси - Инсон жамияти.

3. Жаҳон халқлари этнографиясига оид тадқиқотлар. XX аср ўрталари – XXI аср бошларидаги хориж тадқиқотчилари асарларида ҳам француз этнографияси масаласига қисман тўхталган. Жумладан, Ҳербер Норрис ўрта аср французларининг қай тартибда кийиниши ҳақида фикр билдириб, кийим-кечакларнинг 700 га яқин изоҳи ва расмларини тасвирлайди. XII-XIII аср француз эпик қўшиқларидаги ноёб сўзларни тадқиқ этган Муффанг илмий тадқиқотини уч йўналишда олиб борган. Биринчидан, Ўрта асрларда «йўқолиб кетаётган» ва «ноёб сўзлар»нинг турли маъноларини аниқлаган. Микро ва макроконтекстни, синтактик муҳитни тизимли таҳлил этиб, «ноёб сўзлар» (яъни этнографик лексемалар)ни семантик майдонларининг кенгайишини далиллаб берган. Иккинчидан, контекстуал муҳитда «йўқолиб кетаётган» ва «ноёб сўзлар»нинг ўзига хос маъно хусусиятларга эга эканлигини кўрсатган. Учинчидан, «йўқолиб кетаётган сўзлар», асосан, Библияда қўлланилган феъл сўз туркумига оид сўзлар эканлиги ва уларнинг маъно кенгайиши атрофлича ўрганилган. Мазкур мавзу ўзбек тадқиқотчиларининг ҳам назаридан четда қолмаган. Жумладан,

¹⁰ Бусыгин Е.П. Умумий этнография (этнология). – М., 2001. – 317 с.

¹¹ Бусыгин Е.П. Ўша асар.

¹² Монтень Мишель. Опыты. Избранные произведения в 3-х томах. Том I. Пер. с фр. М.: Голос, 1992. – 384 с.

К.Т.Мустаев француз ва ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари, хусусан «Роланд ҳақида кўшиқ» ва «Алпомиш» достонида ранглар ва рақамлар символикасининг акс этиши масалаларини ўрганган¹³. С.С.Исмаилов кўп асрлик тарихга эга бўлган француз халқ эпосининг келиб чиқиши, бундай эпик кўшиқларнинг ҳудудларга тарқалиш жараёни ҳақидаги назариянинг асосий йўналишлари, француз халқ эпоси матнларини лингвопоэтик жиҳатдан тадқиқ этган¹⁴.

Бобнинг учинчи қисми *ўзбек этномаданий лексемаларини ўрганилиши тарихига* бағишланади. Мавзуга оид адабиётларни қуйидагича даврларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Қадимги ва ўрта асрлар ёзма манбалари ҳамда ХХ аср бошларигача бўлган даврдаги тадқиқотлар. Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилган қабила ва элатлар урф-одатларига тегишли энг қадимий этнографик маълумотлар илк ёзма манбаларда, юнон ва рим муаллифи Геродот 455-447-йилларда Вавилон, Ассирия, Египет, Кичик Осиё, Болқон яримороли, Миср, Бобил, Финикия, Македония каби мамлакатлар, Қора денгиз соҳиллари бўйлаб сайёҳат қилиб, скифлар ҳақида маълумот тўплаган. Унинг 9 китобдан иборат «Тарих» номли трактати юнон-форс урушига бағишланади. Бу ҳақиқий энциклопедик асар бўлиб, унда география, этнография, тарих ва адабиётга оид маълумотлар ўз аксини топган¹⁵. Ўрта Осиё халқларининг қадимги аجدодлари ва уларнинг турмуш тарзи, урф-одат ва маросимлари тўғрисида қимматли маълумотларни зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да ҳам кўриш мумкин. Халқ оғзаки ижоди намуналари бўлган «Китоби дадам Кўрқут», «Алпомиш», «Манас», «Гўрўғли» дostonлари тарихий ва этномаданий лексемалар учун ниҳоятда муҳим манбалардир.

2. ХХ асрда олиб борилган илмий тадқиқотлар ва турли нашрларда этномаданий лексемалар муаммосининг ёритилиши. Марказий Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбек этномаданий лексемаларини ўрганиш йўлида 1872 йил Москвада очилган политехника кўرғазмаси муносабати билан тайёрланган «Туркистон альбоми», шунингдек, Рус география жамиятининг Туркистон бўлими, тиббиёт, астрономия ва этнография хаваскорлари жамиятининг Туркистон бўлими, Туркистон археология хаваскорлари тўғараги, Туркистон қишлоқ хўжалик жамияти, Хомутов тўғараги, Ўрта Осиё олимлари жамияти, Рус техника жамиятининг Туркистон бўлими, Шарқшунослик жамияти Тошкент бўлимининг ўрни катта бўлди.

ХІХ аср охири ХХ аср бошларида этнографик лексика билимларининг ривожини ўлкада фаолият кўрсатган рус шарқшунос, тарихчи, этнограф олимлари, сайёҳлари ва давлат арбоблари В.В.Радлов, В.В.Бартольд, М.С.Андреев, А.А.Диваев, М.Г.Малинский, эр-хотин Наливкинлар, И.И.Умняков, А.А.Семёнов, Е.Д.Поливановлар номи билан боғлиқдир.

¹³ Мустаев К.Т. Поэтика цвета и числовых знаков-символов в узбекском и французском героическом эпосах: Автореф. дисс.... канд. фил. наук. – Самарканд, 1994. – 24 с.

¹⁴ Исмаилов С.С. Француз халқ эпослари матнининг лингвопоэтик тадқиқи («Роланд ҳақида кўшиқ» дostonи мисолида): Филол. фан. номз. дисс... автореф. – Т., 2010. – 24 б.

¹⁵ <http://kurufin.ru/htgerodotml/french.html>

3. Мустақиллик даврида бажарилган тадқиқотларда мавзунинг ёритилиши. Ўзбекистон мустақилликка эришиши билан этномаданий лексемаларни ўрганиш янги сифат босқичига ўтди. Мустақиллик йилларида ўзбек халқи анъанавий маданиятини ўрганишда қатор ижтимоий институт ва ходисаларга «Ўтмиш сарқити» деб қарашга чек қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги «Ўзбекистон Фанлар Академияси тарих институти фаолиятини такомиллаштириш» тўғрисидаги қарори тарих фани ва унинг қисми этнографиянинг вазибаларини мазмун-моҳият жиҳатдан тубдан ўзгартирди. Ўзбек тилшунослигида этномаданий лексемаларнинг ўрганилишини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: 1) *шевашуносликка оид тадқиқотларда этномаданий лексемаларнинг ўрганилиши*: Б.Жўраев, К.Усмонов Қашқадарё ўзбек шеваларининг лексик, фонетик ва морфологик хусусиятларини, Т.Нафасов, Т.Қудратов шеваларнинг лексик гуруҳланишини, Н.Мирзаев Қашқадарё ва Сурхондарё ўзбек шеваларининг лингвистик табиатини ўрганиш билан бирга ўзбек шевалари этнографизмларининг вужудга келиш ва ривожланиш омиллари, ҳудуд этнографизмларнинг ўзига хос хусусиятлари, этнографизмларнинг лисоний белгилари, мавзуй гуруҳлари хусусида ҳам фикр юритган. 2) *фольклоршуносликка оид тадқиқотларда этномаданий лексемаларнинг ўрганилиши*: М.Алавия, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, О.Собировнинг никоҳ тўйи маросимида оид, С.Давлатовнинг «юз очди» маросимида ижро этиладиган кўшиқларни таҳлилига оид, О.Исмоновнинг «келин салом» жанрининг генезиси, ўзига хос хусусиятлари ва поэтикасига оид, Б.Ўринбоевнинг «Алпомиш» достонидаги этномаданий лексемаларга оид илмий ишлари соҳа хазинасига катта ҳисса бўлиб қўшилган. 3) *этномаданий лексемаларнинг лексик-семантик гуруҳланиши юзасидан олиб борилган тадқиқотлар*: а) *халқ байрамлари, маросим, халқ ўйинларига оид этномаданий лексемаларни ўрганишга оид тадқиқотлар*: Т.Мирзаев, Ш.Турдимов, Д.Ураева, Ҳ.Исмоилов, М.Сатторов, А.Жўрабоев, Й.Бобожонов, Ф.Ҳайитова, З.Хусаинова, А.Хонхужаева, К.Очилов, М.Ёқуббекова, М.Рўзиева, А.Мусақулов, Р.Носиров, Н.Қосимов, Н.Таштемиров, Л.Худайқулова, Р.Абдуллаев, Э.Жабборов, М.Қаҳарова, Н.Курбаназарова, Файзулла Аймоқ, Муҳаммад Хумоюн Надим каби олимлар томонидан фольклоршунослик ва этнографиянинг долзарб масалалари ҳал қилинди. б) *ўзбекларнинг моддий маданиятига оид этномаданий лексемаларни ўрганишга доир тадқиқотлар*: Т.Ўринов, А.Ишаев, Э.Ўрозов, Й.Иброҳимов, К.Шониёзов, М.Қурбонова, М.Худаярова, Х.Бердиев, М.Холиқова каби олимларнинг илмий ишлари диққатга сазовордир.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Француз ва ўзбек фольклор анъаналари этномаданий лексемаларининг лексик-семантик хусусиятлари**» деб номланган. Бобнинг биринчи қисмида *моддий маданиятга оид этномаданий лексемалар: кийим-кечаклар, хўжалик ишлари, қурол-аслаҳа, ўсимлик, қуш ва ҳайвон номи билан боғлиқ этномаданий лексемалар*¹⁶ таҳлилга тортилган.

¹⁶ Кейинги ўринларда этномаданий лексемалар қисқарган ҳолда ЭЛ деб берилади.

Таҳлил объекти сифатида танланган матнларнинг этнографик луғати иккита катта лексик-семантик гуруҳга ажратилди: I. *Моддий маданиятга* оид этномаданий лексемаларнинг луғат таркибига қуйидагилар киритилди: 1. Кийим-кечак номлари. 2. Хўжалик ишлари билан боғлиқ номлар. 3. Қурол-аслаҳа номлари ифодаланиши. 4. Ўсимлик номлари қўлланилиши. 5. Қуш ва ҳайвон номлари. II. *Маънавий маданият* оид этномаданий лексемаларнинг луғат таркибига қуйидагилар киритилди: 1. Маросим ва урф-одатлар билан боғлиқ номлар. 2. Халқ мусиқа асбобларининг ифодаланиши. 3. Диний тасаввурлар, мифология билан боғлиқ номлар.

Кийим-кечак номлари. Кийим-кечаклар инсоният турмуш тарзи тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланган. Инсоният тарихидаги илк энг муҳим ихтиролардан бири кийим-бошлар ҳисобланади. Чунки инсониятни ҳайвонот олаmidан унинг тафаккури қобилияти ажратиб турса, ушбу тафаккурнинг бир меваси либосдир¹⁷: француз достонида *un gant* (қўлқоп), *un manteau* (жилет, чакмон), *une coiffe* (бош кийим), *un haubert* (қўйлак), *un enfourchure* (шим тутқич, бойлагич), *un heaume* (дубулға, бош кийим), *une broigne* (брогне), *un éperon* (шпор), *d'hauberts blancs* (онпоқ қўйлақлар), *un manteau* (пальто), *la soie d'Alexandrie* (Александрия унағи), *le drap de soie de galaza* (галаза унақ матоси), *un tissu de mailles* (тўр мато), ўзбек достонида *шалвор*, *шим*, *чопон*, *елбағай*, *кебанак* каби ЭЛлар қўлланган. Масалан, XVII. *J'irai, par votre congé: livrez-m'ensur l'heure le gant et le baton* // Мен сизнинг рухсатингиз билан бораман, дарҳол менга **қўлқоп** ва **асони беринг** (Р.7). Мисолда келтирилган **қўлқоп** «ишонч» рамзи сифатида қаралган. Қадимги Францияда маълумки, черковда қатъий иерархия, яъни руҳоний ва роҳиблар вазифасига қараб пирамида шаклида даражаланган. Бундай пирамиданинг пастки қисмида ўнлаб ва юз минглаб черков руҳонийлари, роҳиблари, тепасида эса Рим папаси турган. Шунга ўхшаш пирамида аристократ феодаллар ўртасида ҳам мавжуд бўлган. Бу пирамиданинг энг тепасида шоҳ турган. У ўзини давлатдаги барча ерларнинг олий эгаси деб ҳисоблаган. Шоҳ ҳокимиятни тож кийдириш маросими орқали Худонинг инояти, деб тахтга ўтирган. Шоҳ содиқ амалдорларини катта мол-мулк билан тақдирлаши мумкин бўлган. Аммо бу тухфа сифатида берилмас эди. Аксинча, қиролнинг қўлидан бу тухфани олган киши унинг «ишончи»га кирган, вассалига айланган. Ҳар қандай вассалнинг асосий вазифаси - бу имон ва ҳақиқат, ўз бошлиғи ёки хўжайинининг («катта») кўрсатма ва маслаҳатларига амал қилиб хизмат қилишдир. Хўжайинидан вассалликни қабул қилиб, унга содиқлик учун қасам ичган. Баъзи мамлакатларда вассал хўжайиннинг олдида тиз чўкиши, содиқлигини ифода этган ҳолда қўлларини унинг қўлларига қўйиши ва ундан эришган ютуқлари аломати сифатида *un drapeau* (байроқ), *le bâton* (асо) ёки *le gant* (қўлқоп) каби нарсаларни олиши керак бўлган. Вассалнинг содиқлиги Ўрта асрлар диндор христиан ҳаёти билан Оллоҳга ишониш ўртасидаги рамз саналган (ана

¹⁷ Аширов А, Ўзбек халқининг қадимий эътикод ва маросимлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – Б. 27-42.

шундан ўша даврнинг феодал ва диний лексиконларининг лексик-семантик параллелизмлари юзага келган)¹⁸.

Тахминан 1436 йилда аста-секин *huque*, *hucque*, *heuque* (плащ) ўрнига италиядан *un imperméable* (плащ), *un manteau* (палето), *un paletot* (пальто) кириб келди. Уни тантанали кийим, ливрей ёки ҳарбий плащ сифатида кийишди. Аввал у енгсиз бўлса, кейинчалик ён қисмидан катта қўл чиқариш учун ўйим қолдиришди, сўнгра қўнғироққа ўхшаш енг тикадиган бўлишди. XXXV. *Il portrait un manteau dezibeline, recouvert de soie d'Alexandrie // У Искандария упаклари билан қопланган чакмон кийган эди* (Р.11). Мисолда иккала қирол вакилларининг ҳашамдор кийиниши ва Римдан келтирилган ипаклардан тайёрланганлигига урғу берган. CCLXXXVII. *Le roi a pris Thierry dans ses bras; des grandes peaux de son manteau de martre, il lui essuie la face, puis rejette le manteau: on lui en met un autre // Қирол Тьеррини ва унинг сувсар терисидан бўлган чакмонини қўлларига олди* (Р.11). Мисолда сувсар терисидан бўлган чакмонга диққат қаратсак, хитой кийимлари бўйича мутахассислар фикрича, белбоғлар ранги, матоси, материали ва безаклари турли даражадаги одамлар орасидаги ўзаро фарқли жиҳатларни англатган. Хитойда ҳар бир гуруҳ ва табақанинг маълум бир ранг ва шаклдаги камари бўлган. 1-2-даражали давлат раҳбарларига олтин қопламали, 3-6-даражали шахсларга каркидон суякли, 7-9-даражалиларга кумуш, оддий фуқароларга эса темир тўқали камар тақиш ҳукуқи берилган¹⁹. Францияда ҳам кийим матосига алоҳида эътибор қаратилган. XIV асрда ёзилган савдога оид китобларда айтилишича, *искандария ва татар упаклари, олтин ва кумуш каишталар, кашмири, саржа (бир хил астарбоп газлама), фланель, тафта, камка (упак кимхоб)* каби матолар, *cottum* деб аталмиш мушук ва итнинг юнгидан махсус тайёрланадиган матолар Францияга келтирилган. Мўйнали кийимлар иерархиясида ҳам энг юқори поғонани *zibeline* (Камчатка сувсари), *ermine* (қора думли оқ тусли оқсичқон (оқсувсар)), *menu vair* (унинг оқ туслиси), жуда юқори баҳоланадиган *vair* (оқ олмахоннинг мўйнаси) бўлақларини бирлаштириш натижасида олинган мураккаб мўйнали мато, митти ва кулранг, оппоқ ялтираб турадиган мўйнали оқ қоринли олмахоннинг мўйнаси французчасига *verre* - «шиша» деб номланган. Чунки ундан тайёрланган кийимлар нурда шиша сингари порлаб турган. Бундай мўйналар Венгриядан келтирилган. Улар қирол, қиролича ва юқори мартабали амалдорлар учун мўлжалланган. *Grish* (сувсар мўйнаси), *lapin* (қуён мўйнаси) дворянлар учун, *mouton* (қўзичоқ) ва *castor* (қундуз) мўйнасидан тайёрланган кийимлар саройнинг паст табақа амалдорлари учун мўлжалланган²⁰.

Ўрта Осиё халқларининг миллий устки кийимлар ичида энг кўп тарқалган ва ҳозиргача етиб келган либос - тўн-чопондир. Тўн тикилишига

¹⁸ Олевская М.И. Функционирование терминов феодальной иерархии во французском героическом эпосе: Автореф. дисс. канд. фил. наук. – Москва, 2002. – 21 с.

¹⁹ Сычев Л.П., Сычев В.Л. Китайский костюм. Символика. История. Трактовка и история искусства. – Москва, 1975. – С. 36.; Крюков М.В. Китайский этнос в среднее века (VII-XII вв.). – Москва, 1983. – 156 с.

²⁰ Florent Veniel. Les Hommes du Moyen Âge Paysans, Bourgeois et Seigneurs. – Histoire Vivante. – Paris: Éditions Errance, 2008. – 92 p.

қараб *авра тўн, астарли тўн, пахталик тўн* деб аталган. Тўн тикилган матосига қараб *қалами тўн, банорас тўн, беқасам тўн, кимхоб тўн, сурра тўн* ва ҳоказо деб; кимга мўлжалланганлигига қараб эса *бола тўн, куёв тўн, қуда тўн* каби номлар билан аталган. Тўн-чопонлар устидан боғлаш учун *белбоғлар, чорсилар, чарм, духоба камарлар* ишлатилган²¹. Чопонларнинг узунлиги, ранги, кенлиги ва кийиш услубига қараб ҳар жойда ҳар хил бўлган. Ҳамма даврларда ҳам либосга қараб инсонни қайси ижтимоий табақага мансублигини билиш мумкин бўлган²². Масалан, *Узунли-қисқали тўнинг мўл бўлсин (А.34). Устига кийгани эски чопонлар (А.95)*. Мисоллардан кўриниб турибдики, инсоннинг яхши, бахтли кунини учун «узунли-қисқали тўнинг» мўл бўлишлиги, тўннинг узун-қисқалиги уни қайси кунга мўлжалланганлигига, «кафан *тўнингни* бичарман»да айнан «ўлим» билан бўлган ҳолатга урғу берилмоқда.

Хўжалик ишлари билан боғлиқ номларга оид «Роланд ҳақида кўшиқ» достонида *феод, арпан*, «Алпомиш» достонида *закот, ботмон, жузья* каби хўжалик ишлари билан боғлиқ ЭЛлар қўлланилган. V. 75. *Si par adresse vous pouvez trouver pour moi un accord, je vous donnerai de l'or et de l'argent en masse, des terres et des fiefs tant que vous en voudrez* // Мен сизга ҳоҳлаганингизча *ўлпон*, ер, бир олам олтин ва кумуш бераман (Р.29). **Ўлпон** (fief) – Ўрта асрларда феодал томонидан ўз вассалига берилган ер-сув, мулк ва ундан олинадиган солиқ; отамерос мулк (XII – XVIII асрларда Россияда). Хўжайин билан вассал ўртасида феодал ва унинг атрофида муносабат қурилган. Вассал хизмати учун ер-сув, мулкка эгалик ҳуқуқи айирбош қилинган. XII асрларда феодал (ўлпон) таркибига кўчмас мулклар: феодал-узумзор, феодал-черков, феодал-тегирмон, феодал-чорва ҳам киритилган. Бундай тухфалар қўлдан қўлга бериладиган буюм сифатида эмас, балки инсоннинг ички руҳий ва маънавий муносабати орқали амалга оширилган²³.

Кишининг моли **закотга** етса, закот берса, бул ҳам сахий экан (А.17). Ўз акама ўзим закот бергунча // Бошқа юртда *жузья* бериб юрайин (А.18). Жабр қилсанг ўн *ботмонни* тортади // Бежаб қўйган нори-норчанг кимники? (А.390). **Ботмон** – ўн пудга тенг келган оғирлик ўлчови. **Жузья** – ғайридин, четдан келганлардан олинадиган солиқ. **Закот** – мусулмонлик шартларидан бири²⁴.

Қурол-аслаҳа номларининг ифодаланиши. Таҳлилга тортилган достонларда аждодларимизнинг ҳарбий соҳага тааллуқли ўша даврда халқларни ҳарбий ҳаёти, кўшин ва унинг қисмлари, вазифасига кўра турлари, ҳарбий унвон, нишон, қурол-аслаҳа, ҳарбий кийимлар номлари, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлигига оид лексемалар қўлланилган. Масалан, *қилич* (espée) га яхши (bon), чиройли (belle), енгил (léger), пўлат (acier), ўткир

²¹ Ўзбек миллий кийимлари X IX -X X асрлар. – Тошкент, 2006. – 192 б.; Сухарева О.А. Вопросы изучения костюма народов Средней Азии // Костюм народов Средней Азии. – Москва: Наука, 1970. – 239 с., Горелик М.В. Среднеазиатский мужской костюм на миниатюрах XV – XIX вв. // Костюм народов Средней Азии. – Москва: Наука, 1979. 49 – 69 с., Бикжанова М.А. Одежда узбечек Ташкента XIX – нач. XX вв. // Костюм народов Средней Азии. – Москва: Наука, 1970. – 192 с.

²² Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 121 б.

²³ Гуревич А.Я. Категории средневековой культуры. – Москва, 1984. – 350 с.

²⁴ Мирзаев Т., Эшонқул Ж., Фидокор С. «Алпомиш» достонининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2007. – 161 б.

